

«Ўзбекистон Буюк Ипак йўлида порламоқда»

◀ (Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Мақолада урғу қаратилганидек, “Мамлакатда 7 мингдан зиёд сайёҳлик объекти мавжуд бўлиб, улар хорижий сайёҳчиларда чексиз ҳайрат уйғотаяпти”.

Бундан ташқари, республикамизда туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича ҳаётга татбиқ қилинаётган кенг кўламли чора-тадбирлар самарасида ўлкамизга келаётган сайёҳлар оқими янада ошиб бораётгани ҳақида тўхталиб ўтилган. “Мамлакатга ҳар йили дунёнинг 70 дан зиёд давлатидан 2 миллиондан ортиқ турист келади. Утган йили Жанубий Кореядан 27 минг нафардан зиёд меҳмон Ўзбекистонга борди”, дея хабар берилади нашрда.

Ўз навбатида, мақолада Ўзбекистон — Жанубий Корея ўртасидаги стратегик аҳамиятга молик бўлган икки томонлама муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани ҳақида ҳам фикр билдирилган. Шунингдек, юртимизда корейс диаспораси маданий мероси, анъаналари ва санъатини асраб-авайлаб ҳамда равнақ топтириш учун қўлай шароитлар яратилгани қайд этилган. “2014 йили Тошкент шаҳри марказида “Сеул боғи” очилди. Барпо қилинаётган Корея маданияти ва санъати уйини эса 2017 йилда куриб битказиш мўлжалланмоқда”, дея таъкидланади “The Korea Herald” газетасида чоп этилган мақолада.

«Жаҳон» АА.
Сеул

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА



Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг барча жабҳасида энг улғу, энг азиз байрамни меҳнат зафарлари билан қарши олиш яхши анъанага айланган. Хусусан, “Асака” акциядорлик тижорат банкининг Тошкент шаҳар филиали жамоаси ҳам ушбу эзгу мақсад йўлида ғайрат-шижоат наму-

насини кўрсатиб, филиалнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, юқори ликвидлик ва барқарорликни таъминлашга муваффақ бўлмоқда. Натижада ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар ҳамда хизматлар билан тўлдираётган мижозлар, экспортчи корхоналар, хорижий ҳамкорлар ва кичик бизнес субъектларига банк хизматлари кўрсатиш кўлами тобора кенгайиб бораёпти.

кечаклари ишлаб чиқариш-да асқатмоқда.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундан кейин, банк филиали му-тахассислари таълим муасса-

— “Асака” банкининг молиявий ёрдами билан бизнес фаолиятини йўлга қўйган ёшлардан бири-ман, — дейди **Тошкент ахборот технологиялари коллежи битирувчиси, “Multimix Building” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фаррух Сулаймонов.** — Корхонамиз лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, ани пайтда бу ерда 20 нафарга яқин тенгдошларим меҳнат қилаёпти. Тэйёрлаётган маҳсулотимизнинг сифати юқорилиги боис, унга бўлган талаб тобора ортмоқда. Уни республикамиздаги курилиш-пудрат ташкилотлари, шаҳримиздаги савдо дўконларига пешма-пеш етказиб бераёп-миз.

Шуни мамнуният билан айтиш жоизки, “Асака” банки сармоялари биз каби тадбиркорлик йўлини танлаган ёшларга катта имкониятлар эшигини очмоқда.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ — ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

даврд кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик равнақи учун 77,7 млрд. сўмлик кредитлар йўналтирилгани диққатга сазовор. Бу маблаглар пойтахтимизда ишлаб чиқариш, сервис хизмати кўрсатишни ривожлантириш, қўшимча иш ўринлари яратишда муҳим манба бўлди.

Шу билан бирга, хотин-қизларни бизнесга жалб этиш, тадбиркор аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 3,5 млрд. сўмлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 16 млрд. сўмлик, озиқ-овқат ҳамда ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ички бозорни тўлдир-иш мақсадларига 31,6 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

— Юртимизда оналар ҳамда болалар саломатлигини муҳо-фаза қилиш, миллат генотипи-дини яхшилаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган, — дейди **Олмазор туманидаги “New Life Medical” хусусий корхонаси**

раҳбари **Бахтиёр Хўжаев.** — Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда жорий йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб номланган бу-нинг яққол далилидир. Унинг доирасида амалга оширилаёт-ган изчил ишлар натижа-сида оналар ҳамда болаларнинг саломатлик кўрсаткичлари яна-да яхшиланиб бораёпти.

Аҳолига сифатли ва тезкор тиббий хизматлар кўрсатиш мақсадида бизнес-режа тузиб, уни молиявий қўллаб-қувват-лаш учун “Асака” банкига тақ-дим этган эдик. Банк ходим-лари хужжатларимизни кўриб чиқишга, узоқ муддатли кре-дит ажратишга қарор қилди-лар. Ушбу маблағ эвазига хо-рижда ишлаб чиқарилган за-монавий тиббиёт ускуналари сотиб олдик.

Хозирги пайтда клиника-мизда курилиш-монтаж ишла-ри якунига етказилаёпти. Ис-тиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилади-ган шифо масканимизда она-

лар ва болаларга, шунингдек, шахримиз аҳолиси ва меҳмон-ларига тиббий диагностика, лаборатория таҳлили, кон-сультатив ҳамда даволаш хиз-матлари кўрсатиш имконияти яратилади.

— Кичик бизнес ривожига қаратилаётган эътибор, тақдим этилаётган қўшимча имтиёзлар туфайли у кириб бормаган тар-моқ даяри қолмади, — дейди **Яккасарой туманидаги “Grampus” масъулияти чек-ланган жамияти раҳбари Санжар Муҳаммадқосимов.**

— Биз ҳам қўлай шарт-шароит-лардан унумли фойдаланиб, трикотаж-тиқувчилик маҳсулот-лари ишлаб чиқаришга ихти-сослаштирилган кичик корхо-нани ташкил этдик. Табиийки, бунда “Асака” банкининг мо-лиявий мадади қўл келди. Банк сармояси эвазига замонавий, энергия тежайдиган бичиш-ти-киш ускуналари харид қилдик. Бу эса хариддорлар талабига мос қўллаб турдаги бола-лар ва аёллар кийим-

саларида бўлиб, битирувчилар билан учрашувлар ўтказиш-моқда. Унда ёшларга бизнес фаолиятини ташкил этиш бўйича керакли йўл-йўриқ кўрсатилаёпти. Шу аснода пухта бизнес-режага эга йигит-қизларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сер-тификатлар топширилаётир.

Чиндан ҳам, банк маблагларининг салмоқли қисми тадбир-корлик ҳаракатини ривожлантириш, янги қувватларни ишга ту-шириш, ёшлар ҳамда хотин-қизларнинг бизнес голяри рўёби-га йўналтирилаяпти. Биргина унинг Тошкент шаҳар филиали томонидан жорий йил охирига қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига 140 млрд. сўмлик кредитлар ажратили-ши режалаштирилгани бунинг ёрқин далилидир. Зеро, мазкур молия муассасаси аҳоли, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъект-ларга тақдим этилаётган банк маҳсулотлари ҳамда хизматлари турларини кенгайтириш, сифатини яхшилаш, банк амалиётла-ри тезкорлигини янада оширишни мақсад қилган. Шу маъно-да, истиқболли лойиҳалар, голялар устида изланиб, мижозлар эктиёжи учун мақбул ва қўлай бўлган хизмат турлари кенгайти-риб борилаверади. Бу эса пировардида юртдошларимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, пойтахтимиз иқтисодиётини ривожлантиришга асос бўлади.

ЭЪЛОНЛАР

«STANDARD & POOR'S» халқаро рейтинг агентлиги

STANDARD & POOR'S

2016 йил 13 июль кун

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ барча кредит рейтингларини «В/В+» даражасида «БАРҚАРОР» истиқболи билан қайта тасдиқлади.

Вақт давомида синалган ишонч!
www.uzpsb.uz
Хизматлар лицензияланган.

«MOODY'S INVESTORS SERVICE» халқаро рейтинг агентлиги

«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банкининг миллий валютадаги узоқ муддатли депозит рейтингини «B2» хорижий валютадаги узоқ муддатли депозит рейтингини «B2» даражасида тасдиқлади.

Барча рейтинглар истиқболи «БАРҚАРОР»

2016 йил 27 июнь
Хизматлар лицензияланган.